



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
31 июль
ШАНБА
№ 60
(12.280)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваломбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик

лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фойз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва

олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда

бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиغان ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2010 йил 28 июль.

Вилоят ҳаёти

ҚЎШЧИНОР ИЛҲОМЛАРИ

Паркент туманидаги Қўшчинор истроҳат боғида "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида "Камалак кўни" тадбири бўлиб ўтди. Унда 20 га яқин маҳаллаалардан фуқаролар, 200 дан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбирда болажонлар асфалтга расм чизиб, баҳар-байт айтиш каби шартларни бажариб, иқтидорларини намойиш этдилар.

Тадбир сўнггида "Алло, оғоҳ бўлинг!", "Чекишнинг оқибатлари", "Наркотикага қарши" мавзудаги кинофильмлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

ОФАРИН, МЕРГАНЛАР

Қибрай туманидаги ўқув спорт-техника мактабида миллатдан ўқ отиш бўйича вилоят кубоғи учун мерганлик мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 11 та жамоа ва 31 нафар спортчи ўзаро куч синнашди.

Бахслар ўртачирчиқ тумани вакиллари мусобақага пухта тайёргарлик кўрганликларини кўрсатди. Умумжамоа ҳисобида улар 1-ўринни эгаллаган бўлишса, яқка беллашувда ҳам шу туман вакили Виктор Югайга 2-ўрин насиб этди. Ҳолиларга ҳоқимлик ҳамда муҳофафа кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, маданият ва спорт ишлари бошқармасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

ДУШАНБАДАН ИШГА ЧИҚИНГ

Чиноз туманидаги маънавий хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида 200 дан ортиқ коллеж битирувчилари қатнашди.


Ярмаркада 90 га яқин корхоналар иштирок этиб, жами 254 та бўш иш ўринларини таклиф этди.

Туман ҳокимлиги, прокуратура ва бандликка кўмаклашувчи марказ ташкиллаштирган меҳнат ярмаркасида 150 га яқин ёшлар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича ишга жойлашдилар.

Ирода МАҚСУД қизи.

МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

"Тўқимачи-Ангрен" электрлаштирилган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастури бу борадаги ишлар сифатини янада яхшилашга қаратилган. Бунинг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг кўп қиррали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз Исроом Каримовнинг 2009 йил 18 мартда қабул қилинган "2009-2013 йилларда Темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва тақомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

...Пойтахтимиздаги "Шимолий" темир йўл вокзали байрамона безатилган. Бу ерда "Тўқимачи-Ангрен" электрлаштирилган темир йўлини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиш учун кўплаб меҳмонлар йиғилган. Темирйўлчилар ва жамоатчилик, маҳаллий ҳокимият органлари ва дипломатик корпус вакиллари йўловчи поездда "Ангрен" станцияси сари йўл олдиди.

Улар "Тўқимачи-Ангрен" темир йўл линияси участкасини электрлаштириш" лойиҳаси доирасида темир йўл бўйлаб барпо этилган иншоотлар билан танишди.

2002 йилда Германиянинг ривожланиш банки (KfW) ва Қувватнинг Араб иқтисодий ривожланиш жамғармасининг кредит маблағлари, шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси маблағлари жалб қилинган ҳолда, "Тўқимачи-Ангрен" электрлаштирилган темир йўл линияси объектини қуриш бошланган эди. Қурилишнинг умумий қиймати 85,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Лойиҳадан кўзланган мақсад ушбу

участқада мавжуд дизель ёқилғисида ҳаракатланадиган локомотивларни ўзгарувчан тоқда ишлайдиган электр локомотивларга алмаштиришдан иборатдир. Бу Тошкент ҳудудидagi барча темир йўл линияларини электр локомотивларга ўтказиш ишларининг якуни ҳисобланади. Эндиликда мазкур линия бўйлаб дизель локомотивлар ўрнига замонавий электровозлар чиқади. "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси шу мақсадда 13 энг янги темирйўл поезд – экспресс сотиб олди.

Лойиҳани амалга оширишда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг электр таъминот маркази, Тошкент электр таъминот дистанцияси, сигнализация ва алоқа маркази, йўл ҳўжалиги бошқармаси, Тошкент йўл дистанцияси каби бўлинмалари катта ҳисса қўшди. Участқа бўйлаб энг янги технологиялар – SKADA маъсаддан туриб бошқариш, алоқа тармоқлари, тортиш кичик станциялари, микропроцессорли марказлаштириш, электрон ҳисоблаш ва телекоммуникациялар тизимлари жорий этилди. Электр таъминот тизими соатига 160 километр тезлик билан юрадиган поездлар ҳаракати ҳисобга олинган ҳолда барпо этилди.

Қурилиш давомида умумий узунлиги 265 метрлик учта кўприк, поездлар ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлайдиган, замонавий ускуналар ва назорат аппаратураси билан жиҳозланган кичик электр станциялар, навбатчи пунктлар ҳамда марказлаштирилган электр постлари учун 2258 электр тиркач, 6 бино ва иншоот барпо этилди. Барча қурилиш-монтаж ишлари белгиланган мuddатда тўлиқ якунланди.

Натижада Тошкент ҳудудий темир йўл узелининг 114 километр узунликидаги қолган ягона участкаси ҳам электрлаштирилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши эксплуатация харажатларини 1,8 баравар камайтириш, ҳудудда экологик аҳолини яхшилаш ва қўшимча 50 иш ўрни яратиш имконини беради. Янги электрлаштирилган участка йўлнинг ўтказувчанлиги қобилиятини ошириш, юк ва йўловчиларни ташвиш вақтини қисқартириш, компанияда дизель ёқилғиси сарфини камайтиришга ёрдам беради.

...Поезд "Ангрен" станциясига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлган меҳмонларни қарнай-сурнай садолари, гуллар билан қутиб олди. Станция реконструкция қилингандан сўнг бутунлай янги

қийфа касб этди. Бу ерда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонлар станцияни кўздан кечирган, тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О.Раматов компания эришаётган ютуқлар Президентимиз Исроом Каримовнинг мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори самараси эканлигини алоҳида таъкидлади. Истиқлол йилларида компания жадал ривожланди. Янги темир йўл линияларини қуриш, йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракат таркибининг модернизация қилиш, тезкор транспорт телекоммуникацияларини ташкил этиш компаниянинг келгусидаги фаолиятида ҳам устувор йўналишлар бўлиб қолди.

Президентимизнинг фармонида мувофиқ 1994 йилда ташкил этилган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси мамлакатимизнинг асосий транспорт бўлини сифатида иқтисодиётимизни ягона тизимга бириштириш йўлида хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз темир йўллари тармоғининг умумий узунлиги 6020 километрдан ошади, жумладан, умумфойдаланиладиган йўллар узунлиги 4230 километри ташкил қилади. Юк ва йўловчи ташвиш ҳажми йил сайин ортиб бораётган ва бу мамлакатимиз темир йўл тармоғини комплекс ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда темир йўл компанияси юк ва йўловчи ташвиш вагонлари ва локомотивларни таъмирлаш бўйича замонавий базага, кенг тармоқли инфрақурилишга эга. Халқаро молия институтларининг темир йўл тармоғи фаолиятини янада тақомиллаштиришга йўналтирилган маблағларини жалб қилган ҳолда босқичма-босқич йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа ҳам бунга ёрдам бериб қолди.


Тантанали маросимда қурилиш, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, соҳа фахрийлари сўзга чиқиб, барчага ушбу муҳим воқеа муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳўжаев иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА муҳбири.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



ИМКОНИАТЛАР ФЕРМЕРНИ ҚЎЛЛАДИ

Бундан тўрт йил олдин бўкалик Абдусамд Ражабов фермер ҳўжалигини ташкил этаётганида эппай олармиканман, эл-юрт олдида уялиб қолмасиканман, деган ўйга борган экан. Лекин юртимизда фермерлик истиқболи учун яратилган имкониятлар, қолаверса, банкдан олган 12 миллион сўм кредити оёққа туриб олишда жуаа асқотди.

Ҳозир Абдусамд Ражабовнинг чорвачилик фермер ҳўжалигида 180 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 37 боши соғин сигир. Бундан ташқари, қўралар-

даги қўйлар 240 бошга етиб қолди. Бир кунда сигирлардан 250-350 литр

СУРАТАА: фермер Абдусамд Ражабов. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ДАВРА СУҲБАТИ

Аёллар фаолигини ошириш, уларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни иш билан таъминлаш каби масалалар давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб келяпти. Айниқса, аҳоли баналигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган касаначиликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қибрай тумани ҳокимиятида ўтказилган давра суҳбати ҳам шу масалаларга бағишланди.

КАСАНАЧИННИНГ РЎЗҒОРИ ОБОД

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ташкил этган "Касаначилик – аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил" мавзусидаги тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси вакиллари, партия аъзолари, Қибрай тумани бандликка кўмаклаштиш маркази, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимлари ҳамда кўплаб корхона мутахассислари ва илғор касаначилар иштирок этди.

Унда касаначиликнинг ҳар томонлама қулайлиги, яратилаётган имкониятлар, фойдаланиш мумкин бўлган имтиёзлар билан бирга галдаги вазифалар муҳокама этилди.

– Мамлакат Президентининг "Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлар чикариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу соҳада муҳим дастуриламалдир, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Фармон

доирасида иш қўрилса, касаначилик туфайли минглаб аёлларимиз ишга жалб этилишини, уй шароитида фарзандлар тарбияси билан бирга махсулот ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатишга муваффақ бўлишларини эътиборга олайлик. Бу қўшимча даромад, иқтисодий юқори кўрсаткичларга эришишимиздаги ўзига хос йўлдир.

Ўтган йили хотин-қизлар учун 5 мингдан ортиқ касаначилик иш ўринлари яратилган бўлса, бу йил уни 7250 тага етказиш кўзда тутилган. Қолаверса, соҳани кенгайтиришда қўшма корхоналар билан ҳамкорликни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

– Иш бошлаганимга яқинда беш йил бўлади, – деди қибрайлик касаначи Жанатул Исоқуллова. – Ўндан ортиқ шоғирдларим бор, асосан келинларга сарполар тикамиз. Энди болажонлар учун зарарсиз, юмшоқ ўйинчоқлар ва гилам тўқишни йўлга қўйдик. Тадбир сўнггида қибрайлик ўнлаб қўли гул касаначилар махсулотларининг кўргазмаси намойиш этилди.

Ирода НОРБОВЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ҚЎЗЛАБ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб вилоят ҳокимлиги ва аалия бошқармаси ҳамкорлигида вилоят Маънавият ва маърифат марказида "Бу муқаддас Танада азизлар инсон" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унга шаҳар ва туман маънавият тарғибот, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, Фуқаролик ҳўлатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари раҳбарлари ҳамда мактаб директорларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари таклиф этилди.

Адлия вазирлиги, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент давлат педагогика университети мутахассислари ва олимларининг маърузалари тингланди. Сўзга чиққанлар давлат таълим андозалари, ўқув дастурлари ва адабиётларини тақомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги мутахассисликларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб қайта қўриб чиқиш, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишлари учун Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари негизида янги лабораториялар ташкил этиб, уларнинг ривожланган мамлакатдаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиш юзларини илгари сурдилар.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси юзасидан бу йил вилоят бўйича 596 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёл ҳамда 14 ёшга бўлган 575 мингдан кўпроқ болалар тиббий кўридан ўтказилди. Полиомелияга қарши 5 ёшга бўлган 860 минг 860 бола эмланди. "Соғлом турмуш тарзини шакллантириш – баркамол авлод пойдеворидир" мавзусида минглаб суҳбат ва савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

ЭНГ НАМУНАЛИ ЁШ ОИЛА

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташкил этган "Энг намунали ёш оила" республика III Форуми доирасида "Ўстоз-шогирд аънасини давом эттирган ёш оила" кўрик-тановининг қўйи бошқилари вилоятимизнинг барча ҳудудларида намунали ўтказилди.

Кўрик-тановнинг вилоят босқичи Ўртачирчиқ туманидаги Маънавият ва маъ-

рифат маркази биносиди бўлиб ўтди. Танловда миллий кулол-

чилик, қуроқчилик, тикуччилик, этикдўзлик, дўппидўзлик билан шуғулланувчи ёш оилалар иштирок этишди.

Якуний натижаларга кўра, Паркент туманидан Эшовлар оиласи миллий кўроқчилик бўйича 1-ўрин, Юқоричирчиқ туманидан Обидовлар оиласи кулолчи-

лик бўйича 2-ўрин, Ангрен шаҳридан Эралиевлар оиласи тикуччи-этикдўзлик бўйича 3-ўринга сазовор бўлишди.

Кўрик-тановнинг республика босқичида қатнашган учун Паркент туманидан Эшовлар оиласи тавсия этилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

НАСРИДДИН АФАНДИ БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент туманидаги 39-мактабгача таълим муассасасига "Жайхун" кўғирчоқ театри ташриф буюрди.

Санъаткорлар жажжи кичкинтойлар учун "Насриддин Афанди" спектаклини намойиш этдилар.

– Афанди сиймоси болажонлар қалбига мардлик, ҳалооллик, дўстга садоқат каби инсоний туйғуларни

иалларини касаб яушмалари вилоят ташкилотлари
и кенгаши бўлим мудирлари Эътиборхон РАХМОНОВА ва
нт хакикати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

БЕШ ДАҚИҚА КУТСАНГИЗ... ОЛАМ ГУЛИСТОН

Ҳар куни уйдан остона ҳаптаб кўчага чиқар эканмиз, ортимизда бизни кузатиб қолаётган ота-онамиз, болаларимиз, турмуш ўртоғимиз ва бошқа яқинларимиз эсон-омон қайтишимизни тилаб қолашади. Бизчи, баъзан: "манзил-им-га тезроқ етиб олай", деб ҳаётимизни хатарга қўямиз. Эҳтибор берадиган бўлсак, баъзи темир йўл кесимчаларида ҳайдовчилар шундай шошадиларки, поезда келаётгани ҳақидаги огоҳлантирувчи сигнал у ёқда турсин, тўсиқни ҳам ҳаптаб кетаверадилар.

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисалари дунё бўйича долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Баъзи маълумотларга кўра, сўнгги йилларда дунё йўлларида йилга 5 миллиондан кўпроқ одам йўл-транспорт ҳодисалари қурбонига айланган экан. Бундай бахтсиз ҳодисалар кўпчилиги жиддий ўйлашга мажбур қилмайдими? Ёки темир йўл кесимчаларидаги автомобилларнинг поездлар билан тўқнашувлари ҳам қўпаяётгани ачинарли ҳол эмасми? Хозир республикада

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга қарашли 567 та темир йўл кесимчалари бўлиб, 143 таси қўриқланади. Улар дунё андозаларига мос равишда светофорлар, турли сигналлар, йўл кўрсаткичлари ва катта тезлик билан поезд келаётганидан огоҳлантирувчи белгилар билан жиҳозланган. Кесимчалардан ўтаётган ҳайдовчилар уларга амал қилиш талаб этилади. Лекин айрим ҳайдовчилар бундай қўриқовчиларни писанд қилмай, натижада ўзлари оғир вазиятларга тушиб қолишмоқда.

Ўтган йилда республикадаги темир йўл кесимчаларида 31 марта поездлар билан автомобиллар тўқнашуви содир бўлди. Оқибатда 12 фуқаро ҳаётдан қўз юмди. Шу йил 6 ой мобайнида эса 15 та тўқнашув оқибатида 4 киши қурбон бўлди.

Бундай тўқнашувларга асосан автомобиль эгалари сабабчи бўлишади. Тўқнашувларнинг 80 фоизи қўриқланмайдиган йўл кесимчаларида эйтиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Уларнинг 70 фоизи енгил машиналар билан юз беради.

Хавфли саналган йўл кесимчаларида бундай тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК томонидан автомобиллар серкатион бўлган, тезроқ поездлар ўтадиган йўл кесимчаларида автомобиль йўлини тўсиб қўйовчи янги автомат қўрилмалар ўр-

натилди. 2009 йилда бундай қўрилмалардан йўл кесимчаларида 50 та ўрнатилди. 2010 йил охиригача республикадаги йўлларидagi қўриқланадиган йўл кесимчаларида шундай қўрилма ўрнатиш режалаштирилган.

"Ўзбекистон темир йўллари" ва "Ўздавтемирйўлнорат" давлат инспекцияси ходимлари автоҳужалиқларда, саноат корхоналарида, шахсий автомобил эгалари ҳамда темир йўл яқинида яшовчи аҳоли ўртасида, мактаб ва маҳаллаларда, ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув масканларида суҳбатлар ўтказишмоқда.

Хусниддин ОТАХУЖАЕВ, Ўзбекистон Давлат темир йўл назорати инспекцияси Тошкент филиали бошлиғи.

Бобур ХОДИМАТОВ, Чиноз темир йўл станцияси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги "Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» OAJ

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Танлов номи — Бўка тумани истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йилги вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторларни ташкил этиш ва ушбу операторларга юклатилган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиш учун таклиф этилаётган ҳудуд: Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўка туман электр тармоқлари ҳудудий корхонаси.

Танлов ташкилотчиси — "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ.

Инвесторларга қўйилган асосий талаблар:

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритиладиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатишларини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазов) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати:

— 2010 йил 31 август соат 18.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати — 2010 йил 2 сентябрь соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

- инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнилари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

- инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Қўйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайдиган:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;

- "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJнинг қўйидаги ҳисоб рақамига танлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қўриб СҚБ, МФО 00884, ИНН 202127148, ОКОНХ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қўйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазов) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ. Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин.

Танлов тақлифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчига танлов тақлифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

«Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.

ЧП "MOBILE TECHNO SERVICE PLUS", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яксарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. У. Насыра 122, 15 (ИНН 301544113, ОКПО 23212325), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение уредителя № 1 от 31.07.2010г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 110-19-83.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚЎЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Олмалиқ шаҳар	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Чирчиқ шаҳар	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Зангиота туман	5-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Зангиота туман	6-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Тошкент туман	4-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига шахсан қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин ўз йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топишганлиги ҳақида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2010 йил 26 август кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-й.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Республика кўп тармоқли Агроноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 11.07.2010 йилдаги № 1-442/08-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани ЖИБ суди ҳудудида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1996 йилда и/ч, дав.бел. 30 Ж 5279 бўлган "Тик" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 7 079 568 сўм. 2. 11.07.2010 йилдаги № 1-442/08-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда и/ч, дав.бел. 17 М 6431 бўлган "Тик" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 6 511 232 сўм. Аукцион савдолари 2010 йилнинг 2 сентябрь кунга соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Автотранспорт воситалари сотилганда тақридан, тақрибий аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 сентябрь кунга бўлиб ўтади.

2010 йил 17 август кунга соат 11.00 да бўлиб ўтадиган тақрибий очик аукцион савдоларида қўйидагилар қўйилмоқда: 1. Тошкент тумани СИБ томонидан 09.12.2009 йилдаги № 15007-сон ижро варақасига асосан МЧЖ "Кўктерек матлубот инвент" омборонасида сақланаётган, и/ч йили номаълум, дав.бел. Х 464 NVM бўлган "ГАЗ-33021" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 5 699 479 сўм. 2. Тошкент тумани СИБ томонидан 11.03.2010 йилдаги № 1397-сон ижро варақасига асосан МЧЖ "Шамсиддин Раҳмон Бизнес" омборонасида сақланаётган, 1972 йилда и/ч, дав.бел. 11 Қ 01-62 бўлган "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 876 789 сўм. 3.16.12.2009 йилдаги № 3647-

сон ижро варақасига асосан МЧЖ "Кўктерек матлубот инвент" омборонасида сақланаётган, 1988 йилда и/ч, дав.бел. 11 Р 1935 бўлган "Уаз-31512" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 720 000 сўм. 4. 1.12.03.2010 йилдаги № 5-166-сон ижро варақасига асосан, 1974 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 11 У 08-03 бўлган "ГАЗ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 819 000 сўм. 5. 05.04.2010 йилдаги № 939-сон ижро варақасига асосан, и/ч йили дав.бел. номаълум бўлган "Уаз-469" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 727 217 сўм. 6. 04.11.2009 йилдаги № 1-362-сон ижро варақасига асосан 1990 йилда и/ч, дав.бел. Х 269 ASN бўлган "КА-МАЗ 5410" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 25 931 249 сўм. 7. 02.04.2010 йилдаги № 928-сон ижро варақасига асосан МЧЖ "Шамсиддин Раҳмон Бизнес" омборонасида сақланаётган, 1993 йилда и/ч, дав.бел. С 466 EFM бўлган "Даво-воо-Эсперо" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи - 5 669 915 сўм.

1. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 30.11.2009 йилдаги № 6-1004-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Масон кўчаси 2-сонли автоулов сақлаш майдончасида сақланаётган 1994 йилда и/ч, дав.бел. 01 У 046 АА бўлган "ГАЗ 3102" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи - 2 021 816 сўм. 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 05.11.2007 йилдаги № 1-665-сон ижро варақасига асосан "Жараник" жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. Х

320 ONM бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 11 661 222 сўм. 2. 25.12.2009 йилдаги № 1-1159-2009-сон ижро варақасига асосан Шайхонтоҳур тумани судининг ҳовлисида сақланаётган 1999 йилда и/ч, дав.бел. 01 У 399 АА бўлган "Тик" русумли автотранспорт қўйилмоқда, бош. нархи - 7 148 456 сўм. 3. 16.07.2007 йилдаги № 5296/15-сон ижро ҳужжатига асосан "Жараник" жарима майдончасида сақланаётган 1992 йилда и/ч, дав.бел. 30 У 7721 бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт қўйилмоқда, бош. нархи - 2 486 519 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотекан банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб тақрибий аукцион савдоларида қатнашиш учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотекан банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-й. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.09.2009, №12667. Бошланғич баҳоси - 703 486 сўм. 63. "УАЗ-469" русумли, д/р 10U5072 бўлган, и/ч йили аниқланмаган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.10.2009, №13526. Бошланғич баҳоси - 832 815 сўм. 64. "УАЗ-469" русумли, д/р ноаниқ бўлган, и/ч йили ноаниқ автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.07.2010, №13526. Бошланғич баҳоси - 1 160 180 сўм. 65. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11X1466 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.12.2009, №259/2009. Бошланғич баҳоси - 1 733 624 сўм. 66. "Уаз-31512" русумли, д/р 10Y3655 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 09.02.2010, №448. Бошланғич баҳоси - 880 727 сўм.

IV. Тошкент тумани "Камол-Уматдош" МЧЖ омборида сақланаётган: 67. "КамАЗ-53212" русумли, д/р 11B5062 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.02.2009, №7302. Бошланғич баҳоси - 19 350 727 сўм. 68. "УАЗ-452А" русумли, д/р 11Q0474 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2009, №6688. Бошланғич баҳоси - 3 057 811 сўм. 69. "Уаз-3301" русумли, д/р 10Y4280 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.03.2009, №6458. Бошланғич баҳоси - 1 351 658 сўм. 70. "КамАЗ-53212" русумли, д/р 11T4669 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.06.2009, №9804. Бошланғич баҳоси - 16 127 089 сўм. 71. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11Z7995 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.02.2009, №6074. Бошланғич баҳоси - 1 249 049 сўм. 72. "ГАЗ-69" русумли, д/р 11Q6541 бўлган, и/ч йили аниқланмаган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.05.2009, №9075. Бошланғич баҳоси - 578 312 сўм.

V. Тошкент тумани "Шамсиддин Раҳмон Бизнес" МЧЖ омборида сақланаётган: 73. "УАЗ-469" русумли, д/р 10I1258 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 29.04.2009, №2945. Бошланғич баҳоси - 354 294 сўм. 74. "ГАЗ-6631" русумли, д/р 11Q7334, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.08.2008, №5812. Бошланғич баҳоси - 2 361 960 сўм. 75. "УАЗ-469Б" русумли, д/р 11S4253 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.11.2009, №14202. Бошланғич баҳоси - 665 618 сўм. 76. "М-412" русумли, д/р 11I1674 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.11.2009, №14203. Бошланғич баҳоси - 913 303 сўм. 77. "ГАЗ-24" русумли, д/р 01Q432BA бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.12.2009, №15529. Бошланғич баҳоси - 1 557 545 сўм. 78. "ГАЗ-3102" русумли, д/р 10AP280 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.01.2010, №113/2010. Бошланғич баҳоси - 5 069 514 сўм. 79. "Уаз-330301" русумли, д/р 11F3391 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.01.2010, №237/2010. Бошланғич баҳоси - 1 289 065 сўм. 80. "ГАЗ-24" русумли, д/р 10B2999 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 29.01.2010, №236/2010. Бошланғич баҳоси - 858 937 сўм. 81. "ГАЗ-24" русумли, д/р/сиз, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.12.2009, №15021. Бошланғич баҳоси - 498 227 сўм. 82. "ГАЗ-24" русумли, д/р/сиз, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.12.2009, №15020. Бошланғич баҳоси - 632 670 сўм. 83. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11Z0447, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.12.2009, №14925. Бошланғич баҳоси - 1 030 435 сўм. 84. "УАЗ-452" русумли, д/р йўқ бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.07.2010, №1285. Бошланғич баҳоси - 1 480 150 сўм. 85. Тошкент тумани ИИБда сақланаётган, "Ваз-2106" русумли, д/р 10A476AA, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати, №15008. Бошланғич баҳоси - 1 624 433 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 17 август кунга соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб тақрибий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат қилишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлаш ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИБК "Ипак йўли банк"нинг Сабои ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 20933880. Манзилнинг: Тошкент ш. С. Раҳимов т. М. Уразоёв кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Миробод тумани хокимияти Давбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "INVT-EKONSALT" масъулияти чекланган жамияти

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёси сувини муҳофаза қилиш минтақаси ва қирғоқбўйи поллосасини белгилаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида вилоят қўмитаси томонидан қатъий чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, қарорда Чирчиқ дарёсининг сувини муҳофаза қилиш минтақасида жойлашган экологик хавфли объектларни худуддан чиқариш белгиланган. Жумладан, Бўстонлиқ туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Тайпан Файз-барака" фермаси, Чиноз туманида жойлашган "Эргашев" ва "Дўстлик" суг-товар фермаси, Юқоричирчиқ туманидаги "Наврўз" чорвачилик фермаларини дарёнинг муҳофаза минтақасидан чиқариш бўйича вилоят қўмитаси томонидан тегишли туманлар ҳокимлари ва вилоят ҳокими номига мурожаат қилинди.

Қўмита инспекторлари томонидан манфаатдор ташкилот мутахассислари билан биргаликда Чирчиқ дарёсининг ҳимоя зонасидан чиқарилиши лозим бўлган объектларда мониторинг олиб борилди.

Кузатув жараёнида барча объектларнинг бугунги ҳолати, фаолияти батафсил ўрганилиб, видео-фото лавҳалар олинди, тегишли

ЭЛ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

ташкилот ва ҳокимлик вакиллари иштирокида қўшма далолатномалар тузилди. Ҳозирги кунда Бўстонлиқ туманидаги "Тайпан Файз-барака" фермер хўжалигининг сув муҳофаза зонасидан жойлашган қисми 600 метр узоқликда қўчирилди, унинг ўрнида дарактлар экилиб, боғ барпо этилди. Юқоричирчиқ туманидаги "Наврўз" чорвачилик фермаси айти пайтда фаолият юритмаяпти. Бироқ, Чиноз туманидаги "Эргашев" ва "Дўстлик" чорвачилик фермаларини муҳофаза зонасидан чиқарилиши тўғрисидаги мурожаатларимиз шу кунгача ўз ечимини топмаяпти.

Қўмита назоратчилари томонидан қўмита раисининг тегишли буйруқлари асосан Чирчиқ дарёсининг муҳофаза зонасида рейдлар ташкил этилди. Улар натижасида корхона-

рилди. Қуйичирчиқ туманида 7 та, Бекобод туманида 1 та, Чиноз туманида 4 та ва Оқўрғон туманида 1 та объектни Сирдарёнинг муҳофаза минтақасидан чиқариш юзасидан

машина-трактор парк ва автомобиль таъмирлаш заводида қарашли бўлган дам олиш масканлари ҳам 2010 йилгача чиқарилиши керак эди. Бу объектларнинг ҳам бугунги ҳолати ўрганилиб, далолатнома тузилди.

Рейдлар натижасида Бекобод тумани инспектори Бунёд Холматов томонидан Фуқаро Г. Сатторов, Ж. Зононов, А. Қарқоров, Ю. Пулатов, Т. Ақромов, Ж. Абдурахмонов ва В. Зоировларга нисбатан Сирдарё ҳимоя зонасига чиқиндилар ташлаб, сувни ифлослантирганилиги учун жами 143 минг 240 сўм жарима солинди ва ундириб олинди.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси инспекторлари Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорлари ижросини таъминлаш борасида жойларда дарё ва сув ресурсларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича амалий ҳаракатларни изчил давом эттирмоқдалар.

Абдумажид ХОЛМУРОВОД, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.



Сув қатраси — дур қатраси.
Ўзбек халқ мақоли.

МУЛОҲАЗА

ОБИҲАЁТ ҚАДРИ

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир республикада 50 дан ортиқ сув омборлари, бир неча километрдан ортиқ магистраль канал ва коллекторлар фаолият кўрсатапти. Сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоятимизда 395,8 минг гектар суғориладиган ер мавжуд. Унинг 73 фоизи Чирчиқ, 14 фоизи Охангарон дарёсидан, 10 фоизи Сирдарёдан, 3 фоизи эса сой ва булоқлардан сув ичади.

Суғориладиган ерлардан мўл ва барқарор ҳосил олишнинг энг асосий омил сувдан самарали фойдаланишдир, — дейди Чирчиқ Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бош мутахассиси Жиянбек Довруков. — Сўнгги йилларда вилоятимизда сув ресурсларидан фойдаланиш, ерларнинг кейирилтириш ҳолатини яхшилаш, туپроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада республика Президентининг "Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўляпти. Вилоятда суғориладиган саккам 400 минг гектар ерга йил давомида 3,6 миллиард куб метрдан зиёд сув талаб этилади. 2010 йилда экинларни суғориш учун мавжуд омборларда етарли сув тўпланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, вилоятда сувдан тежаб фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бошқа ҳудудларга нисбатан сув кўпроқ бўлгани боис ҳам шундай йўл тутилади. Зеро, бошқа ҳудудларни ҳам сув билан таъминлашнинг назарда тутишимиз лозим. Айни пайтда мавжуд сув омборларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўп сув йиғилди. Аммо бу хотиржамликка берилиш мумкин, дегани эмас. Чунки ҳозирги давр сув танқислигининг олдинки олишида муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, кўк чойнинг қандли диабет хасталигини даволашда фойдаси, айниқса, катта.

Дарвоқе, мутахассиснинг гапига жон бор. Ер юзининг учдан икки қисми сув би-

лан қопланган бўлсада, истеъмолга яроқлиси жуда оз. Аҳоли сони эса йилдан йилга ўсиб бормоқда. Шу боис дунё ҳамжамияти сув масаласига ўта жиддий эътибор қаратаёпти.

Шуни айтиш керакки, бу борада Исроил давлатида ўзига хос мактаб яратилган. Айниқса, сувни чучуқлаштириш таҳрибаси анча самарали кечмоқда. Ҳозир бу технология ўнлаб мамлакатларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Жанубий Африка Республикасида шакарқамишни суғоришда бу илғор усулни афзал қўришяпти. "Пёкин — 2008" ёзги олимпиадаси иштирокчилари, маданий-маиший мажмуаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашда Исроилда ишлаб чиқариладиган махсус филтр, яъни тозалаш ускуналарида фойдаланилди. Кипр оролида ҳар кунги шу технология асосида денгиз сувида 54 минг куб метр чучуқ сув тайёрланади. Исроил табиати деярли куруқ. Чўлу биёбони саҳролари бор. Сувсизликдан қараб ётган Араба чўлида ҳозир ўзгача манзарани кўриш мумкин. Бу ерда йилгача бор-йўғи юз миллиметр ёғин тушади. Минг метрча чуқурликдан сув чиқаришга тўғри келади. Шўрхок ерларга қайта ишлов берилди. Ярим метр қалинликда тоза туپроқ солинган ерларда тилими тилин ёрадиган ўзбек қовунидан сира қолишмайдиган полиз экинлари етиштирилмоқда. Илгари ҳар гектар майдондан 40 тоннагача узум олинган бўлса, ёрнинг шўри юйилгандан сўнг, бу кўрсаткич 500 тоннага етди.

Бундай тажрибаларни ўзимизда маҳаллий шароитда қўллаб қўйишга қандай бўлар экан? Ҳар ҳолда диверимиз ер унумдорлиги ва сув серибости жиҳатидан ҳам жаннатмақом юрт ҳисобланади.

Азим ПУЛАТОВ.

МУРОЖААТЛАР ҚЎМИТА НАЗОРАТИДА

ЭШИКЛАР ҲАМИША ОЧИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг "Нazorат қилувчи органлар томонидан ақса тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишлари ташкиллаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини таъминлаш мақсадида вилоят қўмитаси давлат инспекторлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2010 йилнинг биринчи яримда 4620 дан зиёд тадбиркорлик субъектларида мавзуга доир тушунтириш ишлари олиб борилди, оммавий ахборот воситаларида 93 марта чиқиш қилинди. 3 та кўргазма ташкил этилди ва 5 турдаги 1680 нусхада қўлланма тарқатилди.

Тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш мақсадида вилоят ва худудий қўмиталарда ҳар ҳафтаннинг чор-

шанбаси "Очиқ эшиклар кўни" деб белгиланди. Шунингдек, "Ишонч телефон-лари" узулқисиз ишлаб турибди. Қўмита томонидан ўтган йилнинг ўзида "Очиқ эшиклар кўни"да 102 нафар тадбиркор қабул қилиниб, 98 та муаммоли масалалар кўриб чиқилди ва барчаси қонуний ҳал этилди.

Азиз АЗИМОВ, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.

ИШОНЧ УЧУН ТАШАККУР

Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлар фаолиятида айрим муаммолар юзга келганда уларни узулқис билан бартараф эттириш ҳудудий табиати муҳофаза қилиш қўмиталарининг асосий иш йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Бекобод шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасида ташкил этилаётган "Очиқ эшиклар кўни" тадбири ва узулқис ишлаб турган "Ишонч телефонлари"нинг аҳамияти катта бўляпти.

Фуқаролар, хусусан, тадбиркорлар билан яқин мулоқот ва манфаатли ҳамкорлиқни йўлга қўйишда маҳаллий рўномалар имкониятидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, "Бекобод ишчиси" газетаси саҳифаларида қўмитада ҳар ойнинг биринчи дўшанбасида муририллаётган "Очиқ эшиклар кўни" тадбири ва "Ишонч телефонлари" ҳақида мунтазам маълумотлар бериб келинмоқда.

Қўмитамизда ташкил этилган "Ишонч телефон-лари"га фуқаролардан вақти-вақти билан мурожаатлар бўлиб турибди. Хусусан, "Сайрам" кўчасида яшовчи фуқаро Раҳмонов, К. Турдиев номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Тўйчиев, "Истикбол"

кўчасида истиқомат қилувчи Н. Салимов, "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ж. Турғунбоев, "Авесто-сервис" хусусий корхонаси раҳбари Г. Абдурахмонов, "Давр-истикбол" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси У. Абдуллаев ва бошқалардан турфа масалаларда мурожаатлар бўлди ва уларни ўз вақолатимиз доирасида, вақтида бартараф этишга, амалий ёрдам беришга муваффақ бўлдик.

Фуқаролар ишончини юксак қадрлаймиз. Шундай экан, қўмитамизга бўлган ҳар қандай мурожаат бундан кейин ҳам беэътибор қолмайди.

Қодир МАВЛОНОВ, Бекобод шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 5 апрелда қабул қилинган "Чикиндилар тўғрисида"ги Қонуни мамлакат ҳудудига чикиндилар билан боғлиқ масалаларни

тартибга солиш баробарида уларнинг атрофга, одамлар ҳаёти ва соғлиғига етказиладиган зарарли таъсирининг олдини олишдек муҳим жиҳатларни қамраб олган.

ҚАРОВСИЗ ЧИҚИНДИ – ХАВФ

Ҳўш, чиқинди асосан қандай ҳосил бўлади? У ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа турли-туман буюмлар ишлатилиши ёки истеъмол қилинишидан ҳосил бўлган қолдиқлар, шунингдек, ўз истеъмол хусусиятини йўқотган товарлардан ташкил топади.

Чикинди қайси хом ашё, материаллар, хона-ки маҳсулотлар ёки бошқа буюмлардан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлса, чикиндиларга бўлган мулк ҳуқуқи шуларнинг эгасига тегишли бўлиши юқорида қўйилган 4-модда-сида ифода қилинган. Шунингдек, утилизация қилиш учун тегишли техно-

логиялар мавжуд бўлган чикиндиларни қўйиб ташлашга йўл қўйилмайди.

Яна бир гап. Саноат ва ишлаб чиқариш чикиндилари билан бир қаторда даволаш ва профилактика мақсадларида тиббиёт чикиндиларини зарарсизлантириш чора-тадбирларини ягона ти-

зимга солиш ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Чунки бу турдаги чикиндилар эпидемиологик хавф туғдириши мумкин.

Ф. КИМ, Олмалик табиати муҳофаза қилиш қўмитаси етакчи давлат инспектори.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

«ЙЎЛБАРС» ҚОЧДИ

Бу воқеага ҳам йигирма йилдан ошди.

Туман милиция бўлими навабчилик қисмида қулгоғи яхши эшитмайдиган бир капитан ишларди. Унинг майорлик унвонини олиши негадир қўзғалаётганди.

Бир кун саҳарлаб навабчилик қисмига терговчи Бозорбой келиб:


— Зокир аканинг "йўлбарси" занжирини узиб, уйдан қочиб кетибди, — деб қолди. Гап милиция идорасига яқин турувчи Зокир аканинг "Йўлбарс" лақабли қолоғон ити уйдан чиқиб кетганлиги ҳақида борарди.

Капитан гапни яхши англамай "йўлбарс" сўзини эшитиб, анграйиб қолди. Буни сезган Бозорбой юзига янада жиддийлик бериб:

— Зоопаркдан йўлбарс қочибди, — деди-да навабчининг елкасига бир қоқиб, ташқарига чиқиб кетди.

Капитан Бекобод шаҳрига яқинда кўча зоопарк келганлигини эшитган, шунинг учун терговчининг гапига шубҳа қилмаганди. Дарҳол шаҳар навабчисига қўнғирок қилди.

— Ие, сизлар эшитмадиларингми? Ҳа, сизлардан



қочибди. "Тепага қўнғирок қил", дейсизми? Ҳа, майорлиқни кутавериш, тоқатлар тоқ бўляпти ўзи. Зора...

Капитан кўп ўйлаб ҳам ўтirmай, майорлик илнжидида хабарни вилоятга етказди. Ёлғон хабар бир зумда марказгача етиб борибди.

Шаҳар ва туман милиция бўлимлари оёққа турди. Юқоридан қўшмача куч ва икити вертолёт келди. Шаҳар ва туман радиосида йўлбарс қочганилиги, одамларнинг эҳтиёт чораларини кўриши лозимлиги ҳақида огоҳлантириш берилди.

Ҳаммани ваҳима босди. Ҳатто кўпгина болалар мактабга бормай қўйди. Қир-адирда ишловчилар ҳам иш жойларини тарк этишди. Ваҳима, шов-шув қўнайиб бори...

Зоопаркни бориб қўрайлик, эгаларидан сўрайликчи, ҳақиқатдан ҳам йўлбарс қочганимикин? — деган фикр ўн кундан кейингига кимнингдир ҳаёлига келди. Сўраб-суриштирилса, ҳеч қандай йўлбарс қочмаган экан.

Суриштурув ишлари навабчига келиб тақалди. Шу ерга келганда "сир" очилди. Дарҳол бировларнинг ишини икки, топганини ичиб юрадиган, "хушёрхона"нинг доимий "мехмони"ни бўлган Иван акани топдишди. Аввало уни яхшилаб вино билан сийлашди, сўнгра: "Бу хабарни мен таркатманман", дейишга қўнғирок қилди.

Юқорида қўнғирок қилишга, ашаддий "жиноятчи" қўлга олинганлигини маълум қилишди. Шундай қилиб капитан жавобгарликдан қутулиб қолди.

У пайтлар шунақаси ҳам бўлиб турарди.

Қаримқул МАВЛОНОВ, Бекобод тумани.

БИЛАСИЗМИ?

КЎК ЧОЙНИНГ ФОЙДАСИ КЎП

Кўк чой асабни тинчлантириш билан бир қаторда, чеҳрани очади, ёзда тана ҳароратини меъёрида сақлайди.

Шунингдек, кўк чой хотирани яхшилайди, фикр-ни равланлаштиради. Унинг яна бир фойдали хусусияти — томирларни кенгайтириб, қонни суялтиради, айланганини яхшилайди. Энг муҳими, қонни ортиқча моддалардан тозалайди. Бу ҳафтон хасталигининг олдинки олишида муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, кўк чойнинг қандли диабет хасталигини даволашда фойдаси, айниқса, катта.

ЗАМИН ШИФОХОНАСИ

НАЪМАТАК

Наъматак ўсимлигидан халқ табобатида қадим замонлардан бери фойдаланиб келинади. Иммунитетни мустаҳкамлашда, организмнинг бактериялар таъсирига қаршилигини оширишда, овқат ҳазм қилиш тизимини соғломлаштиришда бу ўсимлик яхши ёрдам беради.

Наъматакдан йилнинг совуқ пайтларида фойдаланиш, айниқса, самаралидир. Чунки бундай пайтларда инсон танаси турфа хил дармондориларга катта эҳтиёж сезади.

Наъматак мевалари янгилигида дамлама, қуритилган

ҳолида эса, шарбат сифатида истеъмол қилинади. Унинг меваларидан тайёрланган дамламадан ўпка сили, жигар, ўт қопчасининг яллиғлиниши, ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, наъматакнинг меваси асосида тайёрланган қайнатама қон тўхтатувчи, иситма туширувчи восита вазифасини ҳам ўтайди.

Саҳифа материалларини вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Қайрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзиллими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навабчи муҳаррир
Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навабчи
Хуршида ТУРСУНБЕКОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖОНОВ